

ЯПОНИЯ: МАДАНИЙ СИЁСАТ ВА МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯ



Азиза ХАЛИЛОВА
ЖИДУ ўқитувчиси
ЎзДЖТУ мустақил изланувчиси
aito1212@yandex.ru

Аннотация

Мақолада Япония ҳукуматининг маданий сиёсати ҳамда маданий дипломатияси, унинг жорий қилиниши ва амалиётда кенг қўллаш учун сингдириш масаласи ўрганилган. Шунингдек, маданиятнинг экспорт маҳсулотли, сиёсий ресурсга айланиши таҳлил қилинган. Бунда кунчиқар мамлакатнинг дўстона қиёфасини яратиш, маданиятни экспорт маҳсулотига айлантиришга йўналтирилган маданий сиёсатнинг йўналишлари, унинг иқтисодий ҳамда дипломатик мақсадлари Япония мисолида кўриб чиқилган.

Аннотация

В статье рассматривается культурная политика и дипломатия Японии в области культуры, их внедрение и ведение. В статье также анализируется то, как культура становится экспортом и политическим ресурсом. На примере Японии рассматриваются направления культурной политики, их экономические и дипломатические цели, направленные и ориентированные на экспорт культурных товаров и представление дружественного имиджа Японии за рубежом.

Abstract

This article discusses the cultural policy and cultural diplomacy of Japan, its implementation and administration. The article also analyzes the emergence of the export of culture and the formation of "soft power" political resource. For example, Japan is considered the direction of cultural policy, its economic and diplomatic goals, designed and oriented to export of cultural goods and to friendly Japan image abroad.

Калит сўзлар: маданий сиёсат, маданий дипломатия, юмшоқ кучлар, маданият одамлари, пропаганда, аниме, манга, поп-музыка, маданий алманишув, маданий маҳсулот.

Ключевые слова: культурная политика, культурная дипломатия, мягкая сила, люди культуры, пропаганда, аниме, манга, поп-музыка, культурный обмен, культурные продукты.

Keywords: cultural policy, cultural diplomacy, soft power, people of culture, propaganda, anime, manga, pop music, cultural exchange, cultural products.

Сўнги юз йил ичида Япониянинг бошқа давлатларга нисбатан қўллаётган ташқи сиёсатида кескин бурилиш юз берди. Бу йиллар давомида Япония ҳукумати томонидан олиб борилган сиёсат стратегияси ҳамда унинг амалдаги татбиғини изчил кузатар эканмиз, ҳукумат томонидан мамлакатнинг сиёсий манфатлари йўлида япон маданиятидан моҳирона фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Япония ёпиқ давлат бўлишига қарамай,

Ўз маданиятини дунёга энг чиройли рангларда кўрсата олган мамлакатлардан биридир.

Япон маданиятининг ўзига хослиги, энг аввало, унинг ўз миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда, асрлар давомида қитъадан мамлакатга кириб келган янги маданий ҳамда фалсафий ғояларни ижодий қайта ишлаб, ривожлантириб, ўз шароитига мослаштириб ўзлаштирганлигидадир. Хориждан Японияга таъсир кўрсатган фалсафий анъаналарнинг асосийлари – буддавийлик, конфуцийчилик, янги конфуцийчилик (неоконфуцийчилик) ва ғарб фалсафаси бўлган.

Тарихга назар солсак, ҳокимиятнинг ўзгариши, янги тўнтаришлар янги эътиқодларнинг, янги қарашларнинг ва янги маданият ўчоқларининг пайдо бўлишига сабаб бўлганига гувоҳ бўламиз.

Худди шундай самурай, биринчи сёгунат, иккинчи сёгунат каби ҳар бир даврда буддавийлик, синтоизм, конфуцийчилик, неоконфуцийчилик каби таълимотлар шаклланиб, улар маҳаллий халқ ҳаётида ўз таъсири кўрсатган ва йиллар ўтиб маданиятнинг бир бўлагига айланган.

1934 йили Иноуэ Тэцудзиро томонидан нашр этилган “Япон руҳининг моҳияти” китоби билан “Японизм” мафқурасига асос солди. Ўзининг “Шарқ маданияти ва Хитой келажаги” асарида у Японияга “Янги Шарқий Осиё”га раҳбарлик қилиш вазифаси юкланганлигини исбот қилишга уринди. Унинг раҳнамолигида “Умумияпон асоцияцияси” ва “Фалсафий журнал” таъсис этилиб, унда у *Такаямо Риндзаро* ва *Кимикуро Ётаро* билан биргаликда “Японизм”ни тарғиб қилди (1, б. 52).

Тарихдан маълумки, Япония ўз мустамлакасидаги давлатларга ўз маданиятини қаттиққўллик билан сингдиришга уринган. Япония 1894 йили Тайванни, 1905 йили Россияни Цусима жангида мағлуб этиб, Порт-Артур ва Жанубий Сахалинни эгаллаб олади. 1910 йили Кореяни, иккала жохон урушлари оралигида Тинч океанидаги қатор оролларни босиб олади. 1931 йили япон қўшинлари Манчжурияга бостириб киради, 1937 йилда Хитойнинг қолган худудларига босқинчилик бошланади. Япония Осиё давлатларининг кўп қисмини эгаллаб, иккинчи жаҳон урушига 1941 йилнинг 7 декабрида АҚШнинг Пёрл-Харбор ҳарбий базасига хужум қилиш билан киради. Уруш даврида Япония Англия ва Франциянинг Жануби-Шарқий Осиёдаги мустамлакаларини босиб олади.

1945 йили Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларининг ташланиши натижасида таслим бўлганини эълон қилади. Бу япон ҳукуматининг ўз ташқи сиёсатини қайтадан кўриб чиқиши, уни тубдан ислоҳ қилиши учун катта туртки бўлди. Америка Қўшма Штатлари томонидан Япония учун ташкил қилинган Иттифоқ Кенгаши Европа-Америка намунасидаги бир қанча ислохотларни амалга оширди – янги конституция қабул қилинди, демократик ислохотлар туркуми жорий этилди. Императорга чекланган ҳуқуқлар берилди.

Япония Америка-Европа намунасидаги демократлаштиришдан кенг фойдаланиб қолди. Аммо у ўзининг асосий анъаналаридан келиб чиқувчи кўп нарсалардан воз кечмади(3).

Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубият илгари миллатчилик руҳида асарлар ёзган кўп файласуфларни очикдан-очик пушаймон бўлишга, қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Танабэ Мадзимэ “тавба қилиш фалсафаси” билан чиқиб, фалсафий мафкурани пайдо бўлишини тушунтириш учун ўз-ўзини танқид қилиш усулини таклиф қилди. Киото мактабининг файласуфлари учун диний мавзуларга мурожаат қилиш алоҳида хусусият касб этди. Мамлакатда, айниқса, 60-70-йилларда буддавийликни тарғиб қилиш кенг қулоқ ёйди, буддавийликни ҳозирги замон нуқтаи назаридан талқин қилишга қаратилган таълимотлар пайдо бўлди.

Айни бир вақтда мамлакат бўйлаб ғарб фалсафаси оқимлари – позитивизм, прагматизм, экзистенциализм билан шуғулланиш расмий тус олди. Руҳий таҳлил, феноменология, лингвистика ва семантикани субъектив равишда талқин қилиш билан боғлиқ бўлган янги йўналишлар пайдо бўлди. Мавжуд анъаналар муҳитида Ғарб ғояларига кўникиш ва уларни тадқиқ қилиш давом этди. Масалан, Муктаи Рисаку, Хара Тасау ва бошқаларнинг ижодида замонавий русумдаги оқимларни Нисида Китаро ғояларидан сарчашма олган ғоялар билан синтез қилишга уринишлар кучайди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Япония АҚШ билан тенг рақобатлаша оладиган, ҳар томонлама ривожланган давлатга айланди. Япония иқтисодий, сиёсий жиҳатлардангина ривожланиб қолмай, унда социомаданият соҳаси ҳам кенг тараққий этди. Мейжи реставрацияси давридан сўнг, Япония ғарб мамлакатларига ўз эшикларини кенг очиб берди. Бу давр ичида Япония Ғарб мамлакатлари тажрибасини ўрганиб, уни синтез қилди. Ва бутун дунёга “Япон мўъжизаси” номи билан машҳур бўлган ноёб ривожланиш ҳодисасини намоён этган ягона мамлакатга айланди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Япония мустамлака бўлган мамлакатлар ичида, мустамлакачилик сиёсатини буткул ўзгартирган, аксинча, ўз маданияти номини, тароватини бутун дунёга кўрсатишга муваффақ бўлган санокли давлатлар сирасидандир.

Бу ўз навбатида Японияни янгича қиёфада намоён этди. Бу давр ичида япон ҳукумати барча глобал ўзгариш ва ривожланишларга ўз эшигини очиб берди, шуниси қизиқки, у янгиликларни японча талқинда сингдиришга япон маданияти ва миллийликни янгиликлар билан уйғунлашишига сабаб бўлди.

“Ғарб технологияси – Япония руҳи” ғояси асосида ривожланишда давом этган Япония айнан ўша пайтда ноқ, барча имкониятларни ишга солди. Япония “юмшоқ кучлар”нинг асосий ресурслари саналган – маданият, тил ва анъаналардан унумли фойдалана олди(10, с. 42).

Машҳур “Монокль” журнали 2010 йилдан буён дунёнинг турли давлатларида “юмшоқ куч”ларнинг ишлатилиши бўйича халқаро рейтинг натижаларини эълон қилиб келади. 2013, 2014 йиллар натижаларига кўра бу кўрсаткич бўйича Япония 5-ўринни эгаллаб турибти(6).

Япония “юмшоқ кучлари” хақида сўз борар экан, унинг энг кўзга кўринган, асосини ташкил этувчи қисми, бу маданий сиёсатдир.

Япония том маънода очик давлатга айланганлигига қарамай, япон миллатига хос ёпиқлик, ҳали ҳам психологик онг ости жараёнида сақланиб

колган. Биз уларни гомоген миллат сифатида таърифлашимиз мумкин ва бугунги даврда ҳам у ўзининг миллийлигини сақлаб келмоқда.

Япон маданий сиёсати 1960-йиллардан бошланган. Айнан шу йилда Япония иккинчи иқтисодий ривожланган давлат мақомини олгач, халқаро ҳамжамиятда Япониянинг иқтисодий манфаатларини олға суришга катта эътибор қарата бошлади. 1972 йили Ташқи ишлар вазирлиги қошида Япония фонди (Japan foundation) ташкил этилиб, у халқаро маданий алмашинувга ихтисослаштирилган ташкилот эди. Ташкилотнинг бош мақсади япон тили ҳамда япон маданиятини хорижга ёйиш эди. Совуқ урушдан сўнг ташкилот олдида халқаро аренада Япон сиёсатини қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди (5, с. 48).

Мисол учун 1990-йилларда бирдан машҳур бўлиб кетган япон миллий таоми “Суши”ни олсак. Айнан шу йиллари Европа бўйлаб “Суши” барлари кўпайиб, япон миллий таомининг дунёда машҳур бўлишига сабаб бўлди. Айнан ўша йиллари Япония ҳукумати маданий маҳсулотларни экспорт қилиш орқали янги Японияни намоён этиш сиёсатини илгари сурди. Сушида ташқари, аниме, манга, поп-музыка, мода яъни замонавий япон либослари Япон ҳукуматининг эътиборини тортди. Улар айнан маданият орқали дунёни забт этиш мумкинлигини англаб етдилар.

2003 йилда Time журналида чоп этилган таниқли арбоб Итии Накамуранинг фикрича, “Япония индустриал жамиятдан маданий жамиятга айланди”. Журналнинг айнан шу сониди «Марубэни» компаниясининг прогнозлаштириш маркази директори Цутому Сугиура Япониянинг маданий маҳсулотлар экспортдан тушадиган даромадлари ҳақида гапириб, сўнгги 10 йил ичида аниме, музыка, мода ҳамда лицензияланган кино каби маҳсулотлар сотувидан тушадиган даромад 3 баравар ошиб, 12,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этишини айтиб ўтган. Бу вақтда Япония ишлаб чиқариш экспорти атиги 20%га ўсган (4).

Бу ўринда савол туғилади. Маданий сиёсат нима ва мамлакат учун маданий сиёсатнинг муҳимлиги нимада?

“Маданий сиёсат” бу миллатнинг маданияти, анъналари, тили ҳамда санъатини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳамда давлат дастурларидир.

Маданий сиёсатнинг мақсади:

✓ Мамлакатнинг бой тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналарини қайта тиклаш орқали тараққиётга эришиш;

✓ умуммиллий дастур ва бошқа ижтимоий дастурлар орқали дунё жамоатчилигига ўзини таништириш;

✓ ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда давлатнинг маданий-маънавий, ғоявий қиёфасини акс эттирувчи восита сифатида қўллаш.

Маданий сиёсат нафақат давлат томонидан, балки юридик шахс, нодавлат- ноижорат ташкилотлар томонидан ҳам амалда татбиқ этилиши мумкин. Ҳудди сиёсий пропаганда сингари маданий сиёсат ҳам омма фикрини ўзгартириши, унга таъсир этиши, жумладан, турли даражадаги ҳиссий фикрлашга таъсир этиши мумкин. Шунга қарамай, сиёсий пропагандадан фарқли ўлароқ, у ўзининг кенг тармоқлилиги билан фарқлиб туради.

Маданий сиёсатни биз турли музейлар, библиотека ҳамда турли зиёратгоҳларнинг янада ободонлаштирилишида, турли халқ амалий санъати намуналарининг ардоқланишида, турли жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилган ярмарка, фестивал, маданият кунлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин(7, с. 12–13). Маданий сиёсат кенг камровли тушунча бўлиб, у мамлакатнинг ички сиёсатида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам бирдек қўлланиши мумкин.

Маданий сиёсат бир нечта асосий омилни ўз ичига олади:

- ✓ маданият.
- ✓ халқаро ҳамкорлик.
- ✓ таълим.
- ✓ халқаро имидж.

Бу омилларни мустаҳкамлаб, уларни кенгроқ оммага ёйишда Япон оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилади.

“Медиа – бу оддий хабар” дея талқин қилиш орқали медианинг тўлиқ хусусиятини очиб бериб бўлмайди. 1960-йилларда, канадалик тадқиқотчи Маршалл Маклюэн, медианинг сиёсий элита томонидан ўқувчи ёки томошабинга керакли ахборотни етказиш орқали манипуляция қилиш йўлида хизмат қилувчи восита эканлигини таъкидлаган эди(8).

Тарихда, у ёки бу давлатга уруш эълон қилган давлатнинг ўз халқи ва армияси олдидаги мақсадли нутқларини оддий халқ вакили эмас, балки сўзамоллик қобилияти ва нотиклик маҳоратига эга шахслар сўзлаганлигини кўриш мумкин. Чунки улар сўз сеҳри билан инсонлар шуурини забт этиш, улар онгини ўзлари истаган йўналишга буриш, ўзлари истаган ғояни омма юрагига сингдириш қобилиятига эга бўлганлар.

Бу ерда ОАВ кўрқув, ишонч каби тасаввурлари чекланмаган инсоннинг психологик ҳолатига таъсир ўтказиш методидан фойдаланиб, муайян сиёсий тузум ёки давлатга нисбатан салбий ёхуд аксинча – ижобий фикр уйғотиши мумкин.

Япон маданий сиёсатининг асосий вазифаларини соҳаларга бўлинган ҳолда ажратиб кўрсатиш мумкин:

✓ Геосиёсий. “Шарқона руҳият, ғарб технологиялари” идеологияси асосида ривожланишда давом этиб, атрофидаги давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини давом эттириш, мамалкат атрофида қулай иқтисодий стратегик шароит яратиш.

✓ Молиявий. Япония ташқи иқтисодий фаолиятини кучайтириш, турли мамлакатларида йирик компания филиалларини очиш.

✓ Оммавий ахборот воситалари. “Дўстона Япония”, “Ғаройиб Япония” геостратегик идеологияси асосида Япония манфаатларини илгари суриш, ички ва ташқи аудиториянинг ишончига кириш.

✓ Фан ва техника. Юқори технологияларни янада ривожлантириш. Янгиликларни синтез қилиш.

✓ Маданият. Япония анъанавий маданиятини ва унинг шарқона омилларини дунёга намоён этиш. Япониянинг манфаатлари мавжуд бўлган

жойларда таъсирини кучайтириш ва жамиятнинг унга бўлган қизиқишини уйғотиш.

✓ Таълим. Бошқа давлатларда япон тилига бўлган қизиқишни ошириш, турли маданият марказлари, тил марказлари, инсон ресурсларини ривожлантириш марказлари фаолияти орқали қобилятли талабаларга имкон бериш. Турли давлатлар билан талабалар алмашинуви, малакали кадрлар алмашинувини йўлга қўйиш.

Япония илк бор 1990 йили “Cool Japan” яъни “Ғаройиб Япония” деб номланган лойиҳасини оммага ҳамда халқаро ҳамжамиятга намойиш этди. Бу лойиҳа ўз ичига нафақат япон миллий маданиятини балки унинг техникавий имкониятлари ва янгиликларни, янги медиа маҳсулотларни қамраб олган эди.

Шундай буён Япон ҳукумати Осиё мамлакатлари ҳамда Ғарб давлатлари билан маданий алмашувларни (文化交流 Бунка корю) кенг йўлга қўйиб, турли лойиҳаларни амалга ошириб келади. Уларнинг экспортга йўналтирилган маданий соҳани ривожлантиришдаги дадил қадамларини таҳлил қилишимиз мумкин. Япониянинг тарихига назар солсак, Япония геополитик сиёсатининг ўзгарувчанлигини кўришимиз мумкин. Дастлаб бўйсунмас империя, сўнг “тинчликпарвар” давлат ва ниҳоят, маданий уйғоқ давлат сифатида амалга оширилган сиёсатнинг гувоҳи бўламиз.

1980 йили Япония бош вазир Накасоне давлатни интернационалликка асослаб ривожлантириш таклифи билан чиқди. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам яхши кутиб олинди. 1987 йили вазир Нобору Такешита ҳам худди шундай таклиф билан чиқди. 1988 йили вазир Такешита ўз таклифини амалга ошириш учун аниқ режа ва лойиҳалар таклиф этди. Ва ташқи ишлар вазирлиги қошида АСЕАН давлатларига узатилиши мўлжалланган телекўрсатувлар ҳамда телеканалларни ташкил этиш лойиҳаси қабул қилинди ва махсус қўмита тузилди (9, с. 86–87).

2005 йили бош вазир Шинзо Абе Япониянинг энг кучли томонларидан бири, бу – поп маданият деб эътироф этган. Ва “манга ва анимация–дипломатиянинг янги кўриниши” деган фикрни илгари сурган. 2006 йили бош вазир таклифи билан “Japan manga awards” бутун дунё кинематограф ва аниматорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Худди шу йили бош вазир мультикаҳрамонлар Doraemon ва Hello Kitty персонажларини халқаро маданият элчиси сифатида чиқишини ҳамда ОАВда бу персонажларни кенг тарғиб қилишни таклиф этди(2).

2006 йили Ташқи ишлар вазир манга япон маданияти нақадар оммалашиб, дунёга машҳур бўлиши мумкинлигининг ёрқин намунаси деб таъкидлаган эди (9, р. 87).

Бир неча йиллар олдин политолог ҳамда назариётчиларнинг тадқиқ объектига айланган “юмшоқ кучлар”, бугун ташқи сиёсатнинг ажралмас бўлаги бўлиб улгурди. Бошқача айтганда, “юмшоқ кучлар” сиёсатнинг янги ресурсига айланди. Чунки айнан юмшоқ кучлар, у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсатда тинчликпарвар, дўстона қиёфасини яратиши мумкин. Ҳатто маданият иқтисодни генерация қилиши, маданий маҳсулотлар экспорти даромадини ошишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Айнан шу йўл орқали,

туризм соҳасининг ривожланишига, миллий хунармандчилик ҳамда турли маданий маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Япон фалсафаси. –Т.: ТошТДШИ нашриёти, 2007. 52- б.
2. Asahi.com., 10 апреля 2005 г.
3. Васильев А.С. История Востока. 2-ж. М., 1988.
4. Всемирный индекс счастья
(Happyplanetindex)URL:<http://newsland.com/news/detail/id/499754/> (дата обращения: 27.05.2014).
5. Катасонова Е. Л. Япония: поп-дипломатия и поп-культура // Мировая экономика и международные отношения. –2009. – № 2.с 48.
6. Monocle [3] (№ 69,декабрь–январь 2013/2014
7. Нисим Кадош. Азиатско-Тихоокеанский регион ОБЗОР. Hebrew University, 2012.
8. Takesato Watanabe. Japan's media at present.
<https://www1.doshisha.ac.jp/~twatanab/watanabe/english/japan.html>
9. Takeshita Noboru. 1987. “Opening Statement,” in ASEAN Secretariat ed.)Meeting of the ASEAN Heads of Government and the Prime Minister of Japan. Jakarta: ASEAN Secretariat, pp. 86–87.
10. Цунэо А. Выбор между «мягкой» и «жесткой силой» в политике национальной безопасности Японии // Тихоокеанское обозрение: 2008–2009. М., 2010. С. 42.